



## НОРАЦИОНАЛ ОҚСИЛ ЮКЛАМАЛИ ОВҚАТЛАНИШДА ТЕРИ ВА УНИНГ ХОСИЛАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

**М.А.Хайдаров**

*Анджон давлат тиббиёт институти Патологик анатомия ва суд тиббиёти  
кафедраси*

Оқсилли пархезларда организмга углевод ва ёғлар тушиши ўта камайиб кетади. Натижада организмда очлик ҳисси пайдо бўлади ва организмни компенсатор-мослашув жараёни ҳисобига захирадаги углеводларни парчаланиши кучаяди. Бу жараёнда сув ҳам иштирок этади, натижада организмдан кўшлаб сув ва углеводлар йўқотила бошланади. Организмда сарфланаётган углеводлар ўрни, мушак тўқимасидаги захира оқсиллардан глюкоза ҳосил қилиш ҳисобига тўлдирилади. Бу жараёнлар инсон тана вазнини тез пасайишига ва уни узок муддат олдинги ҳолатига қайтмаслигига сабаб бўлади. Оқсилли пархезларда овқат таркибида углевод, ёғ, витаминлар ва микроэлементлар етишмаслиги, ўсимлик маҳсулотлари камлиги организмга салбий таъсир этади.

Норационал оқсилли овқатланишда каламушларни туклари, териси, умумий ҳолатини урганиш мақсадида умумий вазни 140 граммли 100 дона альбинос каламушларда тажриба ўтказилди. Тажриба ҳайвонлари 2 гуруҳга ажратилди, 1- гуруҳ назорат, 2- гуруҳ тажриба гуруҳлари (1, 3, 7, 15 ва 30-сутка давомида текширувдаги гуруҳлар) қилиб белгиланди. 1-гуруҳ оддий виварий рациондаги озиқ - овқатлар билан, 2- гуруҳ ҳайвонларига эса фақат тухум оқсили ва сув берилди. Тажриба 30 кун мобайнида ўтказилди.

Белгиланган муддатларда ҳайвонлар жонсизлантирилиб, ташки кузатув, сочлари ва териси макроскопик урганилиб, гистологик текширувга кичик кесимлар олиниб, гистопрепарат тайёрланиб, гематоксилин – эозин усулида бўялди. Ёруғлик микроскопи ёрдамида соч фолликулалари, эпидермис, дерма, гиподерма катламларидаги тузилмалар урганилди.

Олинган натижалар шуни курстдики, назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳларидаги каламушларда тажриба муддати ортиб бориши билан уларнинг туклари рангсизланиб, эластиклиги камайиб, синувчан бўлиб қолди, эпидермис юпкалашди, микроциркулятор узанида гемодинамик ўзгаришлар кузатилди, дермада тер безлари, соч фолликулари деструкцияси, гиподермани юпкалашуви кузатилди. Кузатувларда каламушларда тез чарчаш ҳолатлари кузатилди.



## **"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2024"**

---

Тажрибалар шуни курсатдики, нораціонал оксил юклагмалли озиклагниш, тери ва унинг хосилаларига салбий тасир кўрсатиб, дистрофик ва морфогистологик к ўзгаришларига сабаб бўлади.